

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.T.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ**

**ИСАЕВА ДИЛФУЗА ХАМИДОВНА**

**ҚОМАТ БУЗИЛИШИ ҲОЛАТЛАРИДА БОЛАЛАР УЧУН**  
**КИЙИМЛАРНИ ЛОЙИҲАЛАШ УСУЛЛАРИНИ**  
**ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**05.06.04-Тиқувчилик буюмлари технологияси ва костюм дизайни**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси  
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по техническим наукам  
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on technical sciences**

<b>Исаева Дилфуза Хамидовна</b> Қомат бузилиши ҳолатларида болалар учун кийимларни лойиҳалаш усулларини такомиллаштириш	5
<b>Исаева Дилфуза Хамидовна</b> Совершенствование методов проектирования одежды для детей с нарушениями осанки	23
<b>Isaeva Dilfuza</b> Improving methods of designing clothes for children with posture disorders	43
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works.....	47

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.T.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ**

**ИСАЕВА ДИЛФУЗА ХАМИДОВНА**

**ҚОМАТ БУЗИЛИШИ ҲОЛАТЛАРИДА БОЛАЛАР УЧУН**  
**КИЙИМЛАРНИ ЛОЙИҲАЛАШ УСУЛЛАРИНИ**  
**ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**05.06.04-Тиқувчилик буюмлари технологияси ва костюм дизайни**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

Техника фаилари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси** № В2020.3.PhD/T1851 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти хузуридаги Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.titli.uz](http://www.titli.uz)) ва "Ziyounet" ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Нигматова Фатима Усмановна</b> техника фаилари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Абдукаримова Машхура Абдураимовна</b> техника фаилари доктори, доцент
	<b>Пулатова Сабҳат Усмановна</b> техника фаилари доктори, доцент
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Наманган муҳандислик технология институти</b>

Диссертация ҳимояси Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти хузуридаги DSc.03/30.12.2019.T.08.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил "17" ноябрь соат 11<sup>00</sup> даги важлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100100, Тошкент ш. Шоҳжаҳон-5, тел: (+99871) 253-06-06, 253-08-18, факс: 253-36-17; e-mail: [titlr\\_info@edu.uz](mailto:titlr_info@edu.uz) Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ваъмурий биноси, 2-қават, 222-хона).

Диссертация иши билан Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг ахборот-ресурс марказида таништиш музокаси (149-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100100, Тошкент ш. Шоҳжаҳон-5, тел: (+99871) 253-08-08.

Диссертация автореферати 2022 йил "4" ноябрь кунин тарқатилди.  
(2022 йил "4" ноябрь 149-рақамли реестр баённомаси).



**X.X. Камалова**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**A.З. Маматов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., профессор

**I.A. Набиева**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш коллодаги Илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда соғлом ёш авлодни тарбиялаш, уни оғир ижтимоий-иқтисодий ва табиий шароитларда асраб-авайлаш бирламчи вазифадир. мураккаб ижтимоий-иқтисодий ва табиий шароитларда соғлом ёш авлодни тарбиялаш асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Болаларда қомат бузилиши энг кенг тарқалган патологиялардан бири бўлиб, айниқса бу мактаб даврига тўғри келади. Умуртқа деформацияси болалар ёшига пропорционал равишда ўсади. Ҳориж олимларининг ишларида кўрсатилишича, бошланғич мактаб ёшидаги болаларнинг қарийб 40 фоизи қомат бузилишидан азият чекади. Қомат бузилиши касалликларининг олдини олишнинг асосий ўринларидан бири мактаб бўлиб, бу ерда болаларда ҳаракат фаоллигининг кескин пасайиши натижасида таянч-ҳаракат тизимининг турли хил бузилиши (25 дан 75% гача) интенсив равишда ривожланади. Болаларни профилактик хусусиятларга эга эргономик, функционал ва эстетик мактаб кийимлари билан таъминлаш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда болалар учун тиббий-профилактика маҳсулотларини ишлаб чиқаришга янги материаллар ва технологияларни жорий этиш, уларнинг хавфсизлиги ва қулайлигини таъминлаш, гигиеник хусусиятларини яхшилаш, ишлаб чиқариш ҳаражатларини камайтириш, ишлаб чиқариш жараёнларини оптималлаштириш билан боғлиқ илмий тадқиқотлар доимий равишда олиб борилмоқда. Ҳозирги вақтда Россия, Финляндия, Канада, АҚШ, Хитой ва Япония мутахассисларининг қомати бузилган болалар учун мўлжалланган, маиший ва даволаш-профилактик функцияларни бирлаштириш принципига асосланган ишланмалари кенг тарқалган. Ушбу йўналишда, жумладан, болалар учун кийимларни лойиҳалаш усулларини такомиллаштириш ва янгиларини яратиш бўйича тадқиқотлар устувор ҳисобланмоқда. Шу билан бирга, мактаб дарсларининг хусусиятларини ҳисобга олмаган ҳолда эластик танани тўғирлаш принципини асослашга, оригинал конструктив ечимларга алоҳида эътибор берилади.

Республикамизда тўқимачилик ва енгил саноат соҳасини такомиллаштириш, маҳаллий ҳам ашёдан материаллар, рақобатбардош ва экспортга йўналтирилган тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. 2020-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида, жумладан «Миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш ва ялпи ички маҳсулотда саноат улушини оширишга қаратилган саноат сиёсатини давом эттириб, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини 1,4 бараварга ошириш... ҳамда Мамлакатда ишлаб чиқариладиган дори-дармон ва тиббиёт воситаларининг улушини 80 фоизга етказиш...»<sup>1</sup> каби муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда, жумладан қомат бузилишининг олдини олиш муаммоларини ҳал қилиш учун ташқаридагиларга ва ўқувчига сезилмайдиган, тўғри симметрик қомат

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” 2022 йил 28-январдаги ПФ-60-сон Фармони

ҳолатини ушлаб турувчи, шунингдек эстетик кўринишдаги, ташқи кўринишидан одатий устки кийимдай, доимий кийиб юришга мўлжалланган тегишли мактаб кийимини лойиҳалаш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 16 сентябрдаги ПҚ-4453-сон «Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»<sup>2</sup>ги, 2018 йил 18 декабрдаги ПҚ-4063-сон «Юқумли бўлмаган касалликларнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»<sup>3</sup>ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожланишнинг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежам-корлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммони ўрганилганлик даражаси.** Педагогика, психология, физиология, тиббиёт ва тикувчилик буюмларини лойиҳалаш нуқтаи назаридан болалардаги қомат бузилишларини аниқлаш, даволаш ва олдини олишнинг узоқ муддатли амалиёти Х.Мотожоши, Е.Н.Дергоусова каби хорижий олимлар ва мутахассисларнинг ишларида кўриб чиқилган, тикувчилик саноати, педагогика, психология, физиология ва тиббиёт соҳасидаги кўплаб олимлар қомати бузилган болаларни реабилитация қилиш усул ва воситаларини ишлаб чиқиш билан шуғулланганлар. Булар И.Б.Галант, В.Г.Штефко, П.Н.Башкиров, Т.Н.Дунаевская, Е.Б.Коблякова ва унинг шогирдлари, И.А.Петросова, А.А.Бикбулатова, А.Е.Помазкова, О.А.Харлова, R.G.Burwell, N.J.James, F. Johnson, Y.G.Wilson ва бошқа бир қатор олимлар ишларидир.

Р.А.Мельникова, Ф.У. Нигматова, Ҳ.Х.Камилова, У.Т.Мўминова, Т.А.Ашуров, Д.В.Мирзакаримова ва бошқаларнинг тадқиқотларида типик ва атипик морфологияга эга болалар фигураларини техник ва антропометрик таъминлаш муаммоларини ҳал қилишда турли хил ёндашувлар келтирилган. Аммо, ушбу муаммо чуқур назарий ўрганилишига қарамай, қоматни шакллантиришда оғишларга эга бўлган бошланғич синф ўқувчиларининг сонига кўра, ҳозирги пайтда ечимини топмаган вазифалардан бўлиб қолмоқда. Профилактик хусусиятларга эга бўлган мактаб кийимларини лойиҳалашнинг янги воситалари, шакллари, усулларини излаш долзарб муаммо ҳисобланади.

Мазкур тадқиқотлар тахлили шуни кўрсатадики, қомати нуқсонли болалар учун профилактик кийимларини лойиҳалаш усулларини такомиллаштириш ва уларни ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотлар етарлича ўтказилмаган.

<sup>2</sup> 2019-йил 16-сентябрдаги “Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4453-сон қарори

<sup>3</sup> 2018-йил 18-декабрдаги ПҚ-4063-сонли “Юқумли бўлмаган касалликларнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг №ОТ-Итех-2018-3 «Кийимни серияли ишлаб чиқариш учун Ўзбекистон болалар аҳолисининг янги ўлчам типологияни яратиш ва тадбиқ этиш» (2018-2020) мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** қомати бузилган болалар соғлиғини яхшилашга қаратилган бошқарув назарияси асосида болалар учун профилактик кийимларни лойиҳалаш усулларини такомиллаштириш бўйича илмий масалани ечишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

қомат бузилиши бўлган болалар учун кийимларни лойиҳалашда замонавий ёндашувларни таҳлил қилиш ва мослашувчан хусусиятларга эга мактаб кийимлари талабларини ишлаб чиқиш;

кийимларни лойиҳалаш мақсадида бола танаси тузилишининг морфологик хусусиятларига асосланган болалар қоматини таснифлаш;

болалар қомати бузилишини тузатишга имкон берадиган, кийим элементларининг назорат объектига мақсадли таъсир қилиш усуллари назарий асослаш ва экспериментал текшириш;

қомат бузилиши турига қараб кийимнинг типавий базавий конструкциясини модификациялаш схемалари ва лойиҳа ечимларини ишлаб чиқиш;

қомат бузилиши профилактикаси учун мактаб кийими янги конструктив-технологик ечимини ишлаб чиқиш;

тадқиқот натижаларини мактабларда, шунингдек тиббиёт муассасаларида синаб кўриш ва тадбиқ этиш.

**Тадқиқотнинг объекти** бу бошланғич мактаб ўқувчиларининг фигураси ва қомат бузилиши профилактикаси учун мактаб кийимларини лойиҳалаш жараёни ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида болалар қоматини антропоморфологик ўрганиш усуллари, коррекцияловчи мактаб кийимларини лойиҳалаш усуллари олинган.

**Тадқиқот усуллари.** Ишда қомати бузилган болалар учун профилактика кийимларини лойиҳалашда тизимли ёндашувнинг умумий методологияси, кузатиш усули, тизимли-конструктив таҳлилнинг назарий асослари, материалларнинг қаршилиги, антропология ва физиология, ижтимоий тадқиқот усуллари, материаллар хусусиятларини ўрганишнинг стандарт усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

қомати бузилган болалар танасининг морфологик хусусиятларини тавсифловчи янги ўлчам белгилари, қомат турларини миқдорий баҳолаш ва уларни таснифлаш имконини берувчи коэффициентлар таклиф этилган;

бошқарув назарияси тамойиллари ва биомеханика қоидалари асосида кийим элементлари таъсирига асосланган болаларда қомат бузилишининг олдини олиш инновацион усули ишлаб чиқилган;

компрессион материал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда эластик корректорларнинг геометрик параметрларини ҳисоблаш учун математик модел ишлаб чиқилган;

қомат бузилиши профилактикаси учун универсал мактаб нимчасининг ўзига хос бўлаклари ва элементларини лойиҳалашда янги конструктив технологик ечимлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

қомати бузилган болалар учун мактаб кийимини лойиҳалаш усули таклиф қилинган;

коррекцияловчи корсет ва универсал мактаб нимчаси бўлақларининг технологик ечимлари ва конструктив қурилмаси ишлаб чиқилган;

қомати бузилган болалар кийим комплектларини ишлаб чиқиш учун конструкторлик-технологик ҳужжатлар тўплами ва тадқиқот натижалари ишлаб чиқариш корхоналарида тадбиқ этилган;

профилактик мактаб нимчаси саноат намунаси ишлаб чиқилди ва тайёрланди, бунинг учун Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк Агентлигининг РУз №ҒАР 2021 0371 «Нормал қоматни шакллантирувчи мактаб нимчаси» фойдали модели учун ижобий қарор олинган.

мактаб дарсларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда эластик корректорли универсал мактаб нимчасини ишлаб чиқиш учун материаллар пакетини конфекциялаш бўйича амалий тавсиялар шакллантирилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** диссертацияда баён этилган илмий қоидалар, тамойиллар, хулосалар ва тавсияларнинг изчиллиги, назарий ва экспериментал тадқиқотлар натижалари, синов ва амалиётнинг ижобий натижалари, шунингдек, натижаларни таққослаб текширилганлиги, профилактик нимчанинг кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда эксплуатация синови натижалари далолатномалари билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бола тана тузилишининг морфологик хусусиятларини, мактаб фаолиятининг ўзига хослиги, гигиеник ва эргономик кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда кичик мактаб ёшидаги болалар учун профилактик кийимларни лойиҳалашнинг концептуал ёндошувини ишлаб чиқиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти мактаб нимчасига коррекцияловчи корсетнинг ўрнатилиши; коррекцияловчи корсетга кийиш муддатини оширувчи, гигиеник талабга жавоб берувчи компрессион матонинг қўлланилиши; рационал конструкцияда таклиф этилаётган коррекцияловчи корректорлар жойлашуви тананинг тўғри ҳолатини таъминлаши билан изоҳланади.



**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Кичик мактаб ёшидаги болалар учун профилактик мактаб нимчасини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида қомат бузилиши профилактикаси учун мактаб кийимининг конструктив-технологик ечими, профилактик мактаб нимчасининг дизайни ва техник ҳужжатлари «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси тасарруфидаги «Саидбек Мухайё савдо хусусий корхона» ва «Lider Fashion» МЧЖ корхоналарида жорий этилган («Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2022 йил 21 июлдаги 03/25-2215-сонли маълумотномаси). Муҳим хусусиятларни эътиборга олган ҳолда кўриб чиқилган таснифлар қомат турларининг хилма-хиллиги ҳақида маълумот беради ва мактаб кийимининг конструктив-композицион ечимига сезиларли таъсир кўрсатади. Натижада, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва маҳаллий хомашёдан бўлган материаллардан фойдаланиш ҳисобига ҳаражатлар камайиб, иқтисодий самарадорлик 1,5 баробарга оширилди.


**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ва Тошкент шаҳридаги 144, 30-ўрта мактаблар, И.Иргашев номли 4-шаҳар клиник шифохонаси ва ТошПМИ клиникаси “Ортопедия ва травматология” бўлимида апробациядан ўтказилган. Натижада ишлаб чиқилган даволаш-профилактик таъсирга эга мактаб нимчаси ўқувчининг мактабда ўқиш жараёнида ҳаракат эркинлигини чекламайди; атрофдагиларга сезилмайдиган қилиб ўрнатилган вертикал қомат корректорлари ва созланувчи коррекцияловчи белбоғ психологик қулайлик беради; ўқувчиларнинг қоматни коррекцияловчи мактаб нимчасини кийиш истагида бўлганлиги сабабли ижтимоий самарага эришилди, бу эса узоқ вақт кийиш мобайнида кичик мактаб ёшидаги болаларнинг қоматини тузатишга олиб келади ва кийимнинг ижтимоий аҳамиятини оширади деган хулосага келинди.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация иши мавзуси бўйича 15 дан ортиқ илмий ишлар чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган нашрларда 6 та мақола, шу жумладан 2 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган ва 1 та Ўзбекистон Республикаси патенти ижобий хулосаси олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, тўрт боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 118 бетни ташкил этган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети баён қилинган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий йўналишларига мослиги келтирилган, тадқиқот натижаларидан амалда фойдаланиш ҳақида маълумотлар, тадқиқот натижаларининг илмий-амалий



**1-расм. Болаларда қомат бузилиши турларининг учраш частотаси N=112**

аҳамияти ва уларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этилиши қайд этилган, нашр қилинган ишлар, диссертациянинг тузилиши ва кўлами келтирилган.

Диссертация ишининг «**Нормал қоматни шакллантирувчи болалар кийимларини лойиҳалаш соҳасидаги муаммоларни таҳлилий кўриб чиқиш**» деб номланган биринчи бобида диссертация мавзусига оид илмий тадқиқотлар ва адабий манбалар таҳлили ҳақида умумий маълумот берилган.

Болалар қомат бузилишининг турлари ва сабаблари кўриб чиқилди, уни тузатиш усуллари таҳлил қилинди. Соғлом умуртқа поғонасини шакллантиришга салбий таъсир кўрсатадиган омиллар: ўқитиш усуллари ва технологияларининг ўқувчиларнинг ёши ва индивидуал хусусиятларига мос келмаслиги, ўқув жараёнининг интенсивлашиши, педагогик таъсирларнинг стрессли тактикаси, кўз босимининг ошиши, ўқув фаолиятининг нотўғри ташкил этилиши ва бошқалар ҳисобланади. Махсус қомат корректорлари асосан умуртқа поғонасининг барқарор деформациялари учун ишлаб чиқилганлиги ва машғулотлар пайтида партада болаларнинг ҳаракат фаоллиги кескин камайиши сабабли, мактаб дарсида узоқ муддатли кийиши самарасиз эканлиги аниқланди. Умуртқа касалликларининг олдини олиш ва даволаш учун комплекс ёндашув, шу жумладан дорилар, интенсив жисмоний машқлар, физиотерапия процедуралари, корсетни барқарорлаштирувчи технологиялар зарур.


Тўғри қоматни сақлайдиган ва умуртқа поғонаси касалликларининг олдини олувчи қулай болалар кийимларини ишлаб чиқиш вазифаси бола танасига маҳкам ўрнатишни истисно қилган ҳолда, махсус буюмларни оддий мактаб кийими билан бирлаштириш йўналишида, бир-бири билан боғлиқ биологик ва техник элементларнинг таъсири остида, бола танасини ўз-ўзини бошқариш хусусиятлари билан биргаликда амалга оширилиши керак.

Диссертациянинг «**Қомат бузилиши профилактикаси учун мактаб кийимларини лойиҳалашда дастлабки маълумот сифатида антропометрик белгиларни аниқлаш**» номли иккинчи боби мактаб ёшидаги болаларда қомат бузилишларини ўрганиш, тана қисми тузилишининг антропоморфологик хусусиятларини ва қоматга боғлиқ бўлган кийим конструкцияси параметрларини аниқлашга бағишланган.

Тошкентдаги махсус (тузатиш) соғломлаштириш марказларида болалар контингентини ўрганиш шуни кўрсатдики, аксарият ҳолларда (87%) қомат бузилишлари бошланғич мактаб ёшида кузатилади, уларнинг асосий сабаби мушак-скелет ва рефлекс тизимларининг етарли даражада шаклланмаганлиги ва касаллик ривожланганда шифокорларга кеч мурожаат қилишдир. Болаларнинг 42%и сколиоз, 11%и лордоз, 44%и турли хил ҳаракат

бузилишлари шакллари (одатда мушак - скелет тизими ва бириктирувчи тўқима касалликлари (кўшма шикастланишлар, оёқ-қўл деформациялари, мия ярим фалаж ва бошқалар) билан касалланганлиги аниқланди (1-расм). Сўров натижаларига кўра, 94% ота-оналар ва шифокорлар нормал қоматни шакллантирадиган мактаб кийимларига эҳтиёж борлигини таъкидладилар.

Тана юзасининг объектив антропоморфик хусусиятлари кийимни лойиҳалаш учун дастлабки маълумотларнинг асоси ҳисобланади. Амалдаги типавий қоматлар ўлчовли стандартлари қомати бузилган болалар учун мактаб кийимларини лойиҳалаштиришга имкон бермайди. Тошкент шаҳридаги 4 та мактабда 7-12 ёшдаги 684 нафар қиз ва ўғил болаларнинг антропометрик тадқиқотлари ўтказилган бўлиб, улар орасида: 357 нафари - бошланғич мактаб ёшидаги болалар (7-10 ёш), 327 нафари- катта мактаб ёшидаги болалар (11-12 ёш). Ўлчов дастурига умумий белгилар (бўй, кўкрак айланаси) ва умуртқа эгрилигининг катталиги ва даражасини аниқловчи янги ўлчов белгилари (куракларнинг баландлиги, кураклар орасидаги масофа), киритилган (2-расм). Булар ўнг ва чап томон елка нуқтасининг баландлиги (Т5а, Т5б), ўнг ва чап томон орқа қўлтиқ ости бурчагининг баландлиги (Т11), ўнг ва чап томон олд қўлтиқ ости бурчагининг баландлиги (Т11а), бел чизигининг баландлиги (Т7), кўкрак 3-айланаси олд-орқа диаметри (Т94), куракнинг бўртиб чиққан нуқтасининг бўйин нуқтасига нисбатан даражаси (Т69), курак нуқтасининг баландлиги (Т87), олд-орт орқа кенглиги, курак нуқталари орасидаги масофа, куракларнинг баландлиги. Шунингдек, болалар фигураси учун стандартларда мавжуд бўлмаган қўшимча ўлчам белгилари ҳам киритилган: бу гавда ҳолати -



2-расм. Ўлчам белгиларини олиш усуллари

Пк (Т74), бел чуқурлиги биринчи - (Т78).

Янги ва амалдаги ўлчам белгилари тўплами асосида (2-расм), морфологик хусусиятлар, белгиланиши ва адресли лойиҳалашни тўлиқроқ тавсифлаш нуқтаи назаридан қомат турларининг таснифи ишлаб чиқилган. Тасниф қуйидагиларга асосланган:


умуртқа поғонасининг эгилишларини кўрсатадиган орқа контурининг эгрилик коэффициенти (Кгпс), тана қисмларининг узунлигига нисбати коэффициенти (Ктд), тананинг горизонтал нисбати коэффициенти (Кгф) (1-жадвал).

Ўлчов натижаларини статистик қайта ишлаш *Microsoft Excel 2016* профессионал тўпламидан фойдаланган ҳолда математик статистика усуллари билан амалга оширилди. Натижаларнинг ишончилиги уларнинг нормал тақсимоти қонуни ва стандарт статистик қийматларга мувофиқлиги билан баҳоланди. (3,4-расм).


1-жадвал. Қомат турларини аниқловчи коэффициентлар

№	Номланиши	Белгиланиши	Интерваллар, см
---	-----------	-------------	-----------------

1.	Умуртқа орқа контурининг эгрилик коэффициенти	$K_{гпс} = d_{зп.згIII} / d_{зп.зб}$ $K_{гпс} = T94 / (T94 + T79 - T78)$	Мувозанатли	Кифотик	Лордотик
			0,8-1,3	>1,3	<0,8
2.	Тана қисмларининг узунлигига нисбати коэффициенти	$K_{тд} = D_{тп1} / D_{ош}$ $K_{тд} = T36^a / T44$	Букчайган	Нормал	Кеккайган
			<0,51	0,51-0,52	>0,52
3.	Тананинг горизонтал нисбати коэффициенти	$K_{гф} = \Gamma_{тII} - \Gamma_{тI}$	Кифотик	Мувозанатли	Лордотик
			<0	0	>0




3-расм. Турли ёшдаги мактаб ўқувчиларининг бўй ўсишининг ўзгарувчанлиги графиги




4-расм. 7-12 ёшдаги ўқувчилар тана узунлиги бўйича вариацион эгри чизик, Тошкент ш., 2021 й., қиз болалар N=318.

Кирилган коэффициентлар турли ёш гуруҳидаги болалар фигураларининг қомат турларини таснифлаш ва ёшга боғлиқ ўзгарувчанлик хусусиятларини аниқлаш имконини берди (5,6-расм).

Янги ўлчам белгилари ва уларнинг аниқланган қийматлари турли қоматли фигураларга мактаб кийими типавий базавий конструкциялари модификацияси учун қўлланилиши мумкин.



5-расм. Орқа томондан тананинг профиль шакли



6-расм. Ёшига қўра болаларда кўкрак кифози катталигининг учраш частотаси

Диссертация ишининг «Қомат бузилишининг олдини олиш учун мактаб кийимини лойиҳалашда коррекцияловчи элементларнинг параметрларини таҳлилий ўрганиш ва асослаш» деб номланган учинчи бобида мактаб кийимларини даволаш-профилактик воситалар билан лойиҳалашда қомат корректорларининг функционал вазифаси ва конструктив қурилмаси келтирилган, эластик қомат корректорларининг қайишқоқ хусусиятларини баҳолашнинг ҳисоблаш ва экспериментал усули, уларнинг геометрик параметрларини ҳисоблаш учун математик модел ишлаб чиқилган, белнинг коррекцияловчи элементининг ўлчамлари учун назарий асос берилган.


Замонавий тиббиётда қомат бузилишларининг олдини олиш ва даволаш кўп ҳолларда, тананинг рецепторларини ўз ичига олган орқанинг маълум жойларига тебраниш, ишқаланиш ва босим орқали танага рефлексли ва механик таъсирга асосланади. Кейингиси асаб каналлари орқали орқа мияга афферент сигнал юборади ва умуртқа поғонаси мушакларининг ҳаракат функциялари бошқарилади.

Тана орқа томонининг бу жойлари орқа томоннинг вертикал анатомик ва топографик чизиқлари билан белгиланади (7-расм): кураклар, умуртқа олди (паравертебрал), ўрта (умуртқа). Ушбу чизиқларга мувофиқ, вертикал коррекцияловчи элементлардан асаб-мушак фаолиятини рағбатлантириш орқали таянч-ҳаракат тизимига таъсир қилиш элементлари сифатида фойдаланиш керак, бу эса қоматни яхшилашга ёрдам беради.

Элементлар тузатиш эффекига эришиш учун зарур бўлган ҳаракатларни амалга ошириши керак ва шу билан бирга инсон танасига рухсат этилган максимал босим чегараларидан ошмаслиги керак. Стандарт маълумотларига мувофиқ, қомат корректорларини ишлаб чиқаришда 6 дан 14 мм.с.у гача бўлган босим билан сиқиш кўрсаткичлари тавсия этилади, бу В. Н. Филатов бўйича эластомер ипларга эга бўлган маҳсулотларнинг маълум таснифига мувофиқ, босим 10 ... 25мм.с.у. ёки 1.33...3,32 кПа га тенг.

Шуни таъкидлаш керакки, профилактик мактаб кийимидаги бошқарувчи

восита сифатида коррекцияловчи элементлар нафақат орқа тарафда, балки қорин соҳасида ҳам бўлиши мумкин, чунки қорин умуртқа поғонасини қўллаб-қувватовчи, айниқса, тананинг эгилиш ҳолатида муҳим функцияни бажаради,. Шундай қилиб, иккинчи конструктив элемент сифатида болалар мактаб нимчасининг конструкциясига киритилган ва боланинг белига маҳкамланган белбоғ кўзда тутилади. Профилактик мактаб кийимларини лойиҳалашда инсоннинг физиологик параметрлари ва антропометрик хусусиятларига мувофиқ конструктив элементларнинг



**7-расм. Орқа томоннинг вертикал анатомик ва топографик чизиқлари: 1)– курак; 2) - паравертебрал; 3) – ўрта (умуртқа)**

жойлашишини ҳисобга олиш ва асослаш керак.

Ушбу ишда биринчи марта эластик корректорлар сифатида турли хил кўндаланг кесимли шаклга ва берилган эгриликка эга эластик элементлардан фойдаланиш таклиф этилди. Бу эластик элементлар кийим саноатида кийимнинг муайян жойларида ёрдамчи маҳкамлаш элементлар сифатида, шунингдек, махсус корсетлар ишлаб чиқариш учун кенг қўлланилади.

Берилган эгриликка эга бўлган эластик элементлардан фойдаланиш эластик кучлар захираси ва тескари босим деб аталадиган таъсирдан фойдаланишга имкон беради, бунда куч эластик корректорнинг реакцияси сифатида корректор ўқи эгилмаганда пайдо бўлади.



8-расм. Лаборатория штативлари ва эластик корректор намуналарини ўрнатиш

Эластик коррекцияловчи намуналарнинг деформациясини экспериментал ўрганиш лаборатория штативлари ёрдамида ўтказилди (8-расм). Намунанинг бир учи чап таянчга қаттиқ маҳкамланган, иккинчи учи эса ўнг таянчда эркин ётади ва корректор текисланган ҳолда ҳаракатлана олади.

2-жадвалда эластик корректорнинг эгилиш қийматига мос келадиган  $P$  кучини аниқлаш билан боғлиқ экспериментал тадқиқотлар маълумотлари кўрсатилган.

2-жадвал. Эластик элементнинг ўқини кенгайтириш ва эгиш учун зарур бўлган  $P$  ( $H$ ) кучларининг ўртача қийматлари (эластик қоматни тузатувчи)

Тажриба параметрлари	№1-намуна			№2-намуна			№3-намуна		
	Эгилиш $y$ , мм	40	-20	-40	6	-20	-40	-10	-20
Куч $P$ , Н	2,52	3,92	5,05	2,3	5,98	10,7	9,36	13,8	17,2

Тажрибалар натижаларига кўра, 1-сонли намунанинг  $E$  эластик модулининг ҳисобланган қиймати, икки таянч балканинг ўртасида ҳаракат қилувчи кучни қўллаш нуқтасини (эгилувчанлигини) эластик ҳаракати учун материал қаршилигининг маълум боғлиқлигидан келиб чиққан ҳолда топилди:

$$y_{\max} = -\frac{Pl^3}{48 EJ_x}, \text{ мм}; \quad E = \frac{Pl^3}{48 yJ_x}, \quad \text{Н/мм}^2 \quad (1)$$

где  $P$  – балкани юклаш кучи, Н;  $l$  – балка узунлиги, мм<sup>4</sup>;  $J_x$  – эгилиш моментлари текислигига перпендикуляр бош марказий ўққа нисбатан кесманинг инерция моменти, мм.

3-жадвал. Эластик тасма томонидан яратилган босимни  $p$  ҳисоблаш учун ГОСТ 17917-2004 (ўғил болалар типавий қоматлари) бўйича ўлчов белгиларининг маълумотлари

T1	T16	T18	T37
122	56	51	20,8
128			21,3
134			21,8
140	22,8		
	60		

Тўртбурчак шаклида кўндаланг кесимга эга бўлган №1- намуна учун ўқли инерция моменти қуйидагича бўлади;

$$J_{x1} = \frac{bh^3}{12} = \frac{5 \cdot 2,5^3}{12} = 7,81 \text{ м}^4;$$

$$E_1 = \frac{2,52 \cdot 200^3}{48 \cdot 40 \cdot 7,81} = 1344 \text{ Н/мм}^2$$

Эластиклик

модулининг ҳисобланган қиймати  $E$  капроннинг механик хоссалари бўйича маълумотнома кўрсаткичларига яхши мос келади: эластиклик модули  $E=1500 \text{ Н/мм}^2$ , рухсат этилган чўзилиш кучланиши  $[\sigma]=80 \text{ Н/мм}^2$ , солиштирма оғирлиги  $\gamma = 1,15 \text{ г/см}^3$ . Эластиклик модулининг ҳисобланган қиймати мос маълумотлар қийматидан 10,4% га фарқ қилади, бу ҳисоблаш амалиётида жуда мақбулдир.

Концентрацияланган куч  $P$  томонидан ҳосил қилинган ўзига хос босимни  $p$  ҳисоблаш,  $A$  майдон бутун юзаси бўйлаб тегинишда эластик корректорнинг (намуна №1) тўлиқ текисланишида унинг қиймати қуйидагича эканлигини кўрсатди

$$p = P/A = \frac{2,52}{1000} = 2,52 \cdot 10^{-3} \text{ МПа} = 2520 \text{ Па} = 2,52 \text{ кПа.}$$

босим оралиғи  $[p] = 1,3 \dots 3,32 \text{ кПа}$  профилактик кийим учун тавсия этилади.


Мактаб кийимлари тўпламининг нимчасига ўрнатилган қоматни тўғрилаш мосламасининг конструкцияси корректорни орқа тарафга маҳкам ўрнатиш ва эластик элементларнинг белгиланган эгрилигини текислашда зарур кучни яратиш учун эластик тасмалар (елкабандлар) билан таъминланган. 8-расмда кенлиги 50 мм ва қалинлиги 1,2 мм бўлган эластик тасманинг чўзиш кучининг мутлақ чўзилишига боғлиқлиги берилган.

Қомат коррек-торини маҳкамлашда эластик тасманинг жойлашиши тананинг цилиндрсимон шаклга яқин бўлган жойлари юзасида содир бўлади, бу Т37 ўлчов белгиси - орқа бўйин асосидан олд қўлтиқ ости бурчагигача бўлган масофанинг тахминан икки баравар узунлигига тўғри келади (3-жадвал, ГОСТ 17917-2004).

Қомат корректорини маҳкамлашда эластик тасмани чўзиш ва маҳкамлаш жараёнида юзага келадиган босимнинг тахминий қийматини Лаплас тенгламаси ёрдамида баҳолаш мумкин, бу эса симметрик қобиклардаги кучланишларни моментсиз назариядан аниқлашга имкон беради. Цилиндрсимон қобик учун меридионал кучланишнинг меридиан ёйининг эгрилик радиусига нисбати нолга тенг бўлиши мумкинлиги сабабли Лаплас тенгламаси қуйидаги шаклни олади:


$$\frac{\sigma_t}{\rho_t} = \frac{p}{h}, \quad p = \sigma_t \frac{h}{\rho_t} \quad (2)$$

бу ерда  $\sigma_t$  – айланма кучланиш, Па ;  $h$  – эластик тасма қалинлиги, м;  
 $\rho_t$  – меридиана ёйига перпендикуляр нормал кесимга эгрилиги радиуси, м.




9-расм. Чўзиш кучи  $F$  нинг эластик тасманинг абсолют узайиши  $\Delta l$  га боғлиқлиги

диапазони  $p=2235,6...4320,2\text{Па} = 2,24...4,32\text{кПа}$  ни ташкил қилади, бу эса эластик тасманинг керакли узунлигини инсон танасига рухсат этилган босимни ҳисобга олган ҳолда асослашга имкон беради.



10-расм. Концентрацияланган куч  $P$  билан икки томонлама шарнирли балкани юклаш схемаси



11-расм. Эластик корректорнинг эгри чизиқли ўқи  $y$  қийматида текисланганда юзага келадиган эластик қаратилган куч  $P$  ёрдамида умуртқа деформациясини тузатиш модели

Эластик қомат корректори билан нимча ёрдамида мажбурий статик ҳолат билан умуртқа поғонаси деформациясини тузатиш модели сифатида чап таянч  $A$  дан  $A_1$  масофада ҳаракат қилувчи  $P$  кучи билан юкланган  $a$  узунликдаги икки таянчли шарнирли балканинг эгилиш схемаси кўриб чиқилади (10-расм). 11-расмда  $a$ ,  $a_1$  ва  $a_2$  масофалари ГОСТ 17916-2004 ва ГОСТ 17917-2004 бўйича бола танасининг тегишли антропометрик ўлчовли хусусиятларининг фарқини англатади:

$$a=T10-T7; \quad a_1=T10-T87; \quad a_2=T87-T7; \quad (3)$$

где  $T10$  – бўйин нуқтасининг баландлиги;  $T87$  – курак нуқтасининг баландлиги;  $T7$  – бел чизигининг баландлиги.

Нурнинг эластик чизигининг дифференциал тенгламасидан

$$y'' = \frac{M}{EJ_x}, \text{ мм} \quad (4)$$

бу ерда  $M$  – нурнинг биринчи ва иккинчи қисмларида мос равишда тенг бўлган эгилиш momenti ( $\text{Н}\cdot\text{мм}$ )

$$M_1 = P \frac{a_2}{d} z; \quad M_2 = P \frac{a_2}{d} z - P(z-a_1),$$

икки марта интеграциялашгандан антропометрик ўлчовли хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ифода шаклини олади:



$$y_1 = y_2 = - \frac{P(T_{10}-T_{87})^2}{3EJ_x (T_{10}-T_7)} (T_{87} - T_7)^2 \quad (5)$$

ёки

$$y_1 = y_2 = - \frac{P}{3EJ_x} K_a, \quad (6)$$

бу ерда  $K_a = \frac{(T_{10}-T_{87})^2}{(T_{10}-T_7)} (T_{87} - T_7)^2$ , мм<sup>3</sup> – бола танаси антропометрик белгисини эътиборга олувчи коэффициент.


Бу коэффициент белгилари 4-жадвалда келтирилган.

**4-жадвал. ГОСТ 17917-2004 (ўғил болалар типавий қоматлари) бўйича  $K_a$  коэффициентини ҳисоблаш учун ўлчам кўрсаткичлари маълумотлари**

T1	T16	T18	T7	T10	T87	$K_a$
122	56	51	73,9	101,4	87,5	1299,5
128			78,5	107,0	92,4	1445,1
134			83,2	112,6	97,3	1583,0
140	60		87,9	118,3	102,7	1753,4

(6) формулада шуни ҳисобга олиш керакки, концентрацияланган куч  $P$  профилактика кийимида назарда тутилган инсон танасига рухсат этилган босим  $[p]$  билан боғлиқ бўлиши керак ( $P=[p]A$ , бу ерда  $A$  – куч тақсимланадиган сирт майдони  $P$  ёки эластик тузатувчининг алоқа юзаси майдони).

Профилактика мақсадида мактаб кийимларини лойиҳалашда қомат корректорининг яхлит дизайнини ташкил этадиган вертикал коррекцияловчи элементлар билан биргаликда белни коррекцияловчи элементнинг геометрик параметрларини назарий асослаш амалга оширилди.



**12-расм. Коррекцияловчи белбоғ кенглигини аниқлаш учун ҳисоб схемаси**

Кичик мактаб ёшидаги болаларда энг кўп учрайдиган қомат-бу қориннинг бўртиб туриши кўринишидаги асосий белги билан тавсифланган кифотик тур. Шунинг учун, кичик мактаб ёшидаги болаларда қориннинг олд томондан шакли дўмпайган ва цилиндрсимон юзага яқин деб тахмин қилиш мумкин, бу эса қорин соҳасидаги белни коррекцияловчи элементнинг геометрик параметрларини асослашда аналитик тавсифини осонлаштиради. Ушбу


конструкцияни цилиндрсимон сирт бўйлаб эгилган, қуйидаги геометрик параметрларга  $a$ -белбоғнинг узунлиги,  $b$ -белбоғнинг кенглигига эга бўлган тўртбурчак пластина сифатида кўриб чиқилиши керак (12-расм).

Боланинг ўтирган ҳолатида қорин деворидаги пластинканинг ташқи босими  $p$  белбоғнинг юзасига тақсимланади ва ички тақсимланган нормал кучнинг пайдо бўлишига олиб келади (қорин бўшлиғи босими кучи)  $p_1$ , бу ҳам белбоғнинг ички юзасида тақсимланади ва босим кучи билан мувозанатланади  $p$ , яъни  $p_1 = p$ . Шундай қилиб,  $b$  белбоғнинг кенглигини ифодалаш мумкин

$$b = \frac{F}{\rho a} \quad (7)$$

бу ерда  $F$ -қорин юзасига перпендикуляр ҳаракат қилувчи кучнинг модули, Н.

Текис тақсимланган босимни  $p$  ҳосил қилувчи нормал куч  $F$ , С.П.Тимошенко томонидан амалга оширилган таниқли "цилиндрсимон сирт бўйлаб тенг равишда юкланган тўртбурчак пластинканинг эгилиши" масаласини ечиш асосида аниқланади.



13-расм. Кўндаланг юкланишли чўзилган стержень

Бирлик кенглигидаги чизик кўринишида доимий қалинликдаги  $h$  тўртбурчак пластинканинг цилиндрсимон юза бўйлаб эгилишининг схематизация асоси сифатида бир хил кўндаланг юк  $P$  ва тортиш кучлари  $S$  билан тўртбурчак кўндаланг кесимли  $l$  узунликдаги чўзилган балка сифатида тасаввур қилиш мумкин

(13-расм.). Куч  $S$  чизикнинг чўзилиши эгилган ўқ узунлиги ва хорда узунлиги ўртасидаги фарққа тенг деган шартдан аниқланади.

